

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

№ 82 (7. 471)

1991 йил 29 апрель, душанба

© Нархи 8 тийин.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми тўғрисида АХБОРОТ

1991 йил 25 апрель кунин Пленумда мамлакатдаги аҳоли ва иқтисодий таълимнинг кенгайтирилиши, шунингдек, аҳолининг турмуш-шароити яхшироқ бўлиши тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокарада: РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозов, Бошқирдистон АССРдаги Мелеуз кимё заводи оператори Г. М. Абелгузин, Вильнюсдаги Октябрь 60 йиллиги номли кишлак чiqариш бирлашмасининг бош директори О. О. Бурденко, Нижиний Новгород шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. Н. Мальцев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Қозоғистон ССР Президентини Н. А. Назарбаев, Ленинград вилоят партия ташкилати назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Н. Н. Короблев, КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов, Тинч океан флотининг кўмондир Г. А. Хватов, Догистон АССРдаги Оржоникидзе номли колхоз раиси М. А. Чартаев, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. П. Рубикс, Туркменистон ССР Бош вазирини Х. Ахмедов, РСФСР Компартияси Марказий Комитетини Котиблани ҳузуридаги сиёсий таҳлил ва таҳмин марказининг раҳбари А. А. Пригарин, Шарқий Сибирь темир йўли Иркутск саралаш станцияси локомотив депосининг электровоз машинисти В. П. Сапачев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кичинчи котиби А. С. Ефимов, «Правда» газетасининг бош муҳаррири И. Т. Фролов, Кемерово вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. М. Зайцев, Украина Компартияси Харсон вилоят Каховка шаҳар комитетининг биринчи котиби А. П. Синга, РСФСР Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси Н. С. Стояров, СССР Олий Кенгашининг аъзоси, ёзувчи Р. А. Медведев, СССР илмий-санъат уюшмасининг президенти

А. И. Вольский, СССР Хавфсизлик Кенгашининг аъзоси В. В. Бакатин, М. В. Локосов ва мюсли Москва давлат дорилбуиши иқтисодий факультетининг доценти А. В. Бузгалкин, СССР деҳқонлар уюшмасининг раиси, Тула вилоятидаги «Новоосковское» деҳқончилик-санъат бирлашмасининг раиси В. А. Стародубцев, махфат ва иқтисодий муносабатлар академиясининг профессора мударри А. А. Сергеев, Ерван давлат дорилбуиши амалий социология кафедрасининг мударри, СССР Олий Кенгашининг аъзоси Л. А. Артурян, СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгаши Раксининг ўринбосари Б. И. Олейник, КПСС Марказий Комитетининг котиби В. А. Купцов сўзга чиқдилар.

Музокарада чоғда М. С. Горбачев Пленум катташчиларининг айрим нутқларини муносабат билан ўзининг КПСС Марказий Комитети Бош котиби лавозимидан истеъфого чиқиши тўғрисидаги масалани кўйди. Бу масала Марказий Комитет Сиёсий бюросида кўриб чиқилгандан сўнг Пленум бундай қарор қабул қилди: «Мамлакатнинг, халқнинг, партиянинг олий мақолатларини кўзда тутиб Михаил Сергеевич Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети Бош котиби лавозимидан истеъфого бериши тўғрисидаги таклифни кўриб чиқилмасин».

СССР Бош вазирини В. С. Павлов Пленум катташчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Е. С. Стров Пленумда ташкил этилган Таҳририят комиссиясининг номидан сўзга чиқди.

Тўшган таклифлар ҳар томонлама кўриб чиқилгач, муҳокама ўтказилгандан сўнг «Мамлакатдаги аҳоли ва иқтисодий таълимнинг кенгайтирилиши, шунингдек, аҳолининг турмуш-шароити яхшироқ бўлиши тўғрисида» қарор қабул қилинди. Пленум «Коммунистларнинг халқ депутатлари

Советлардаги иш тўғрисида» қарор, Халқаро бирдамлик кунин — Биринчи май муносабати билан совет халқига мурожаатнома, шунингдек Чернобыль авариясининг бош йиллиги муносабати билан мурожаатнома қабул қилди.

Пленум Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Д. Б. Омонбоевни КПСС Марказий Комитети таркибига киритди ва унн КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси этиб сайлади. Молдова Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Г. И. Еремей билан умумармия партия комитетининг котиби М. С. Сурков Сиёсий бюро аъзолари этиб сайландилар.

Пленум А. М. Масалевнинг Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби сифатидаги фаолияти тўғрисидаги муносабат билан унн Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзоси вазифасидан озод қилди.

О. Д. Бақланов СССР Президентини ҳузуридаги Мудовфа кенгаши раисининг ўринбосари этиб тасдиқланганлиги муносабати билан унн КПСС Марказий Комитетининг котиби вазифасидан озод қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби М. В. Фалин КПСС Марказий Комитети Халқаро сиёсат муаммолари комиссиясининг раиси этиб тасдиқланди.

Марказий Комитет Пленуми С. С. Шаталин КПСС аъзолигидан чиққилиги учун унн КПСС Марказий Комитети таркибидан чиққан деб ҳисоблаб қарор қабул қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев ақуловчи нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми шу билан ўз ишини ақулади.

ТО Бутунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● Бухорода Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган кенг кўламли тадбирлар бошланди.

● Тошкентда ҳарбий хизматларини Қизил Байроқ орденини Туркистон ҳарбий округида давом эттиратган байналмилалчи жангчиларнинг конференцияси бўлиб ўтди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Демократик Россия» ҳаракати РСФСР Олий Кенгашининг Раиси Б. Н. Ельцинни ушбу республика Президентлигига номзод қилиб кўрсатди. Киров вилояти колхозларидан бирининг умумий йиллигида эса бу лавозимга ҳозир мамлакат Хавфсизлик Иттифоқи аъзоси бўлган В. В. Бакатин номзоди кўрсатилди.

● Кузбасснинг Междуреченск шаҳрида

ги барча кўмир конларининг меҳнат жамоалари бир ярим ой давом этган иш ташлашини тўхтатдилар.

● Болтибўйи коммунистларининг Ригада бўлиб ўтган конгрессига бу ердаги ўрта республикада СССР Конституцияси амал қилишини тиклаш учун биринчи галдаги вазифалар белгилан олдин.

ХОРИЖДА

● АҚШ Президентини Ж. Буш кўрд қочқолари хавфсизлиги таъминланганга қадар Америка қўшинлари Ироқ ҳудудига қолшини айтиди.

● Сельвадорда ҳукумат вакиллари ва Фаробунда Марти номлидаги миллий озодлик фронти ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида бу ерда 11 йилдан бери давом этган фуқаролар уруши тўхтатилиши кўтилмоқда.

Бутунги кун нафаси

КУЧ-ҒАЙРАТНИ

БИРЛАШТИРАЙЛИК

25 апрель кунин Тошкентда ҳозир ҳам ҳарбий хизматни Қизил Байроқ орденини Туркистон ҳарбий округида давом эттиратган байналмилалчи жангчиларнинг конференцияси бўлиб ўтди.

Округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Г. Г. Кондратьев қўшинларнинг жанговар қобилиятини ошириш ёшлари ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида байналмилалчи жангчилар ишининг асосий йўналишлари ва вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Делегатлар Қизил Байроқ орденини Туркистон ҳарбий округининг жангчиларига мурожаатнома қабул қилдилар. Байналмилалчи жангчиларнинг округ кенгаши, байналмилал бурчини бажарган ҳарбий хизматчиларнинг умумармия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференция ишида СССР Қуролли қўчалари ҳарбий-сиёсий бошқармасининг маъмул ходими генерал-майор В. И. Нанарик қатнашди.

(ЎТАГ).

МУТАСАДДИЛАР

ФИКРИЧА...

НОВВОЙЛАР УЧУН

ҚУЛАЙЛИК

— Шаҳар ижрокўми 1991 йил 9 апрелда «Фуқароларга яқна тартиб, дағи меҳнат фаолияти сифатида обонини ёпиш ва сотиш билан шуғулланиш учун патентларни бериш, патентларга тўловларнинг ҳажми ҳамда уларни зарур хом ашё билан таъминлаш тўғрисида»ги 138/4-сонли қарорини қабул қилди, — деб ҳикоя қилади Ўзбекистон ССР Молия вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича давлат солиқлари инспекцияси бошлиғи Улфат Хошимович Хошимов. — Шу қарорга биноан патент нархи йилга 400 сўмдан 120 сўмга камайтирилди.

Миллий обонини ёпиш ва сотиш билан шахсий меҳнат фаолияти сифатида шуғулланиш истағи бўлган барча кишилар шахсий аризалар билан район ижрокўи комитети қоншида ташкил этилган махсус комиссияларга ёзма равишда аризалар билан мурожаат этишлари даркор.

Уларни тарғиётни ҳам тартибга солишди. Шаҳар ижрокўи ва савдо Бош бошқармаси зиммасига миллий обонини ёпиш ва сотиш билан шуғулланувчи фуқаролар учун район ижрокўи билан келишилган ҳолда ун тарғиоти вазифаси юклатилди. Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб ҳуқуқий тарафда нон епадиган новвойлари ун берил бошланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг 1991 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин барча мамлакатлар меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик кунин — 1 Май!

2. Ватандошлар! Фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлик йўлида бирлашайлик. Мамлакатимизга — Иттифоқ шартномаси, ҳар бир хонадонга — тинчлик!

3. Коммунистлар! Қайта қуришнинг асосий мақсадларига эришиш — самарали иқтисодийни вужудга келтириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш асосида совет кишиларига муносиб турмушни таъминлаш учун жишлалайлик!

4. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатда конституциявий тартибни мустаҳкамлаш учун қатъий курашингиз!

5. Совет Иттифоқи фуқаролари! Кўп миллатли давлатимиз яхлитлигини сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайлик!

6. Советлар мамлакатининг ишчилари! Сизнинг уюшқоқлигингиз, сабр-қаноатингиз, самарали меҳнатингиз — долзарб вазифаларни ҳал этишнинг, мамлакатни тангликдан олиб чиқишнинг асосий қафолатларидир! Халқ ҳўжалиги вафрон бўлишига йўл қўймаймиз!

7. Қишлоқ меҳнаткашлари! Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, ҳар бир онланинг фаровонлиги сизларга боғлиқ! Ер ислохотини амалга оширайлик!

8. Фан ва маданият арбоблари! Жамиятни маънавий жиҳатдан қайта тиклаш ва ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш ишида куч-ғайратларни бирлаштирайлик!

9. Совет хотин-қизлари! Умумий хонадонимиздаги тинчлик ва тотувликни, фарзандларимиз фаровонлиги ва бахтини ҳимоя қилайлик!

10. Ингит ва қизлар! Сизлар янгиланган мамлакатимизнинг келажигисиз! Билимларни, касб маҳоратини, сиёсий маданиятни қунт билан эгаллангиз!

11. СССР Қуролли Қўчаларининг жангчилари! Ҳарбий интизомни, ўртоқлик ва байналмилал қардошликни мустаҳкамлангиз, социалистик Ватанни ҳимоя қилиш борасидаги ўз конституциявий бурчингизни муносиб бажарингиз!

12. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жасоратига абадий шон-шарафлар бўлсин!

Фидокорона ва тинч меҳнати билан Ватанимиз шўҳратига шўҳрат қўшган фахрийларга таъзим ва ҳурмат!

13. Хорижий мамлакатлардаги коммунистларга, демократия, тинчлик ва социализм учун курашаётган барча кишиларга қардошлик саломи!

14. Яшасин барча халқларнинг ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги ва тотувлиги!

Ғулом ЮСУПОВ.

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

ЎРТА Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари уй-рўзгор ва бог-чорбоғларда ишлатилган буюмларини чархлатиш учун шаҳар муассасаларига энди овоза бўлишмайди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг бу тури «Техносервис» ижара корхонасида очилди. Пичоқ, кайчилар, ўроқ, ранда, арра, болта набиларин чархлаш учун буюртма қабул қилаётган ижара қиларлар ишини тез ва сифатли бажаришга аҳамият беришати.

Саломдин ШАМСИДИНОВ.

ҲОЙДАЛАНИШГА ТАХТ

ЮНУСОВДА ҳадасининг Мираваҳмедов кўчасида 12 қаватли 72 хонадонли турар жой биноси Ҳойдаланишга топширилди.

Бу кўркам бинони 12-трестга қарашли 49-қурилиш бошқармасининг В. Уропин етакчилигидаги бинокорлари бунёд этишди. Қўли гул устали бу ерда 1 миллион 230 минг сўмлик қурилиш-тиклеш ишларини амалга оширдилар.

— Шаҳримизни ривожлантириш режасига кўра Тошкентда бог-хизбон майдонларини тобора кенгайтириб бориш кўзда тутилган. Яъни, расмий тил билан айтганда бундай жойлар аҳолининг умумий ҳордиқ чиқарадиган ерлари деб аталади. Ана шундай боғларнинг бири Ленин комсомолы номли

Даврон ОМОНОВ.

Тошкент зилзиласининг 25 йиллиги ЧОРАК АСРДАН КЕЙИНГИ УЧРАШУВ

Тошкентликлар бундан чорак аср муқаддам — Ўзбекистон пойтахтида қаттиқ ер қимирлаб, ҳамма ёқ вафрон бўлган бир пайтда шу заҳотий мамлакатимизнинг турли томонларидан ердам келганини яхши эслайдилар. Табиий офат натижасида 2,3 миллион квадрат метр уй-жой вафрон бўлган, лекин кейинги тўрт йил ичида 4 миллион квадрат метр янги уй-жой майдонлари бунёд этилганди. РСФСР, Украина, Белоруссия, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон ва бошқа иттифодаш жумҳуриятлар энг яхши бинокорларни юборишганди. Тошкентдаги уйлар ва бошқа бинокорларнинг пештоқларида ўнгла хос дўстлик дастхаллари — яъни Тошкентнинг бунёд этган шаҳарларининг номлари аъзб қолдирилган.

Энди, зилзиладан сўнг чорак аср ўтгач, яъни 26 апрель кунин Ўзбекистон пойтахтида ун бунёд этган кишилар хотира учрашувига тўпландилар. Тошкентни тиклашда қатнашган кишилар Кишинев ва Ленинграддан, Бошкел ва Ашқободдан, Таллинн ва Душанбадан келишди. Тошкент шаҳар ижрокўи комитетида меҳмонларни қабул қилиш маросими бўлди.

Учрашув қатнашчилари ҳузурида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков нутқ сўзлади. У чорак аср илгари Тошкентга кўрсатилган биродарлик ёрдами мамлакатимиз халқлари дўстлиги нақадар кучли эканидан, совет кишилари чинакам байналмилал руҳида тарбияланганидан ҳаммадан ҳам кўпроқ далолат беради, деб таъкидлади.

Меҳмонлар меҳнат жамоаларига боришди, Тошкентнинг янги районлари билан танишишди, «Меридиан» ёдгорлиги олди. Халқлар дўстлиги музейида ўтказилган «Дўстлик базми» тадбирларида қатнашдилар. Халқлар дўстлиги музейида Ўзбекистоннинг етакчи санъат усталари, «Ялла», «Шодлик» дасталари, бошқа моҳир санъаткорлар ва хавескор жамоалар концерт қўйиб беришди.

© СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон пойтахтидаги учрашувдан навлалар.

Рустам Шарипов суратлари.



ХОРИЖДА ҲАМ ТАНИЛГАН

У ШАХРИМИЗДАГИ 41-ўрта мактабни аъло баҳолар билан битириб, ота-буваларнинг касбиди давом эттириш ниятида Москва киём-технология олий билимгоҳининг чарм ва кўйна мутахассислиги бўлимига ўқишга кирди. У даврлар оғир эди. Уруш эндигина тугаган, мамлакат аста-секин қаддини ростлаётган эди. Халқ ҳўжалиги кўплаб мутахассисларга муҳтож эди. Ёш Мирҳўжи бунинг аҳамиятини шунинг учун ҳам тиришиб ўқирди. У полимерлар киём-асосчиларидан бири машҳур олим Иван Платонович Лосевга шогирд тўшди.

Ном дунёга таралган Менделеев номидаги киём-технология олий билимгоҳида узоқ вақт раҳбарлигида, 1957 йили техника фанлари номзоди бўлди. Тошкентга қайтган ёш олим политехника олий билимгоҳида органик киём-фандан дарс бера бошладди. Истеодли олим педагогик фаолиятини илмий изланишлар билан ҳамбарас олиб борди. У доим фанда бирон янгилик яратиш иштиғи билан ёнари. Бу изланишлар ўз самарасини кўрсата бошладди. Каттор илмий ишлари муносиб баҳосини олди. Шу тариқа мекхат фаолиятини ҳам давом эттира борди. Ававалига Тошкент политехника олий билимгоҳининг органик киём кафедрасида, кейинчалик пахта киём ва теҳнология сий илмий теҳириш олийгоҳида лаборатория мудири ва директори бўлиб ишладди. Кейин Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Киём олийгоҳи директори муовини ва директори, Тошкент Енги

саноат ва тўқимачилик олий билимгоҳида кафедра мудири бўлди. Мана уч йилдирки республика Фанлар академияси полимерлар киём ва физикаси олийгоҳининг директори лавозимида фаолият кўрсатиб келяпти.

У полимерлар фанини ри-воқлантиришда, бу соҳада фан номзодлари ва докторлари тайёрлашда кўп ишлар қилди. Айниқса, фан ангилликларини саноатда жорий этишда М. Асқаровнинг хизматлари катта. Деврли 40 йил мобайнида у яратган илмий асарлар, монографиялар, дарсликлар, муаллифлик гувоҳномалари — ҳаммасини санаб ўтиш ва шароҳлаш жуда қийин. Аммо унинг раҳбарлигида тайёрланган 12 фан доктори, 80 нафар фан номзоди, юзлаб иқтидорли муҳандисларнинг илм доргоҳлари ва ишлаб чиқаришда самарали меҳнат қилаётганликларини таъкидлаш лозим. Олимнинг «Синтетик полимерлар киём-асоси» «Полимерлар киёмидан практика» «Полимерлар киёмаси» дарсликлар, «Йонгон полимерларнинг синтезлаш», «Аминоалкиларилатларнинг полимерланиши», «Потекатларнинг синтезлаш ва полимерлаш» монографиялари олий ўқув юртиларидан фан сифатида ўқитилмоқда.

М. Асқаровнинг илм соҳасидаги ўсиши унинг тинмай изланишларини натижасидир, у доим фанда, инсонларга кўпроқ наф келтиришга интилади. Катта олим бўлсада ўрганишини, ўқишини қанда қилмайди. Бунинг шогирдла-

рига доим таъкидлайди. Шунинг учун ҳам жўхоннинг кўпгина дорилфунунларида ўқиган маърузалари илмий жамоатчилигининг таъсирини сезовор бўлди. Жўмладан, унинг Англиянинг Манчестер дорилфунунинида, Америка Қўшма Штатларида ўқиган маърузалари бунинг исботидир. Бинобарин, Миннаполис, Сентпол, Детройт шаҳарларининг фахрий фуқароси этиб сайланиши, Франция, Испания, Голландия, Чехословакия, Венгрия, Исландия ва Ҳиндистондаги катор илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш ўзбек олимнинг обрўси, иқтидоридан далолат бермайдими!

Узоқ олимнинг фаолияти шулар билан чекланиб қолмади. Шунингдек, у «Ёш киёмлар» академиясининг раҳбари, Бутуниттifoқ киём-агарлар олимпиадасининг бош ҳакамси, Бутуниттifoқ Менделеев номидаги киём жамоати ҳайъатининг раиси, «Фан ва турмуш» таҳрир ҳайъати аъзоси, «Ўзбек киёмси» ойнамаси бош муҳаррири ўринбасари, СССР—АҚШ дўстлик жамоати Тошкент бўлимининг раисидир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, киём фанлари доктори, профессор, жонкуяр мураббий Мирҳўжи Асқаровнинг илмий ва жамоат фаолияти ана шундай саҳифаларга бой.

И. ИСМОИЛОВ,
Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳининг назарий киём кафедраси мудири.

Ф. ИСМОИЛОВ,
кафедраси доценти.



Пойтахтимизда санитария пости аъзоларининг шаҳар слёти бўлиб ўтди. Унда мактаб ва хўнар-техника билим юртиларининг район беллашуларига қўлиб чиққан қатнашчилари иштирок этишди. Қизғин ўтган мусобақаларда ёш санитарлар жабрланувчиларга биринчи ўрдам кўрсатиш, доривор гиёҳлардан фойдаланиш бўйича ҳамда тиб-биёт тарихидан билимдонликларини намойиш этидилар.



СУРАТЛАРДА: (chapла) 46-ўрта хўнар-техника билим юрти талабалари ва 40-ўрта мактаб ўқувчилари мусобақалар шартини бажариш пайтида.

Р. Альбеков суратлари.

Эсдалик учун

МАШХУР асаб касалликлари врач профессори Штайнфельднинг ҳузурига бир беморин олиб келишди. Беморнинг айтишча, қаёққа қарамасини унинг кўз ўнгидан олпоқ сичқонлар юрармиш. Жўла қийин ахвол. Қандай қилиб бўлса ҳам беморга ёрдам бериш керак. Профессор Штайнфельд қўлдан бўён ўйлаб юрган усулини ишга солиди ва саккиз ҳафта давомида беморни даволади. Бемор касалхонадан чиқадиган кўни профессор ўз усулининг афзаллигини ҳамкасбларига кўрсатмоқчи бўлди.

Бемор хурсанд ҳолда профессорнинг қўлини қисди ва деди:

— Жўда оликаноб иш қилдингиз, жаноб профессор. Мен бу яхшичилигинизни ҳеч қачон унут-

майман. Хайрлашиш олдидан менга бирон нарсани эсдалик учун тақдим қилсангиз.

— Бақонидил азизим, қани айтингчи, нимани хоҳлайсиз? — сўради профессор.

Шу пайт бемор бўм-бўш стол устини кўрсатиб:

— Стол устида юрган оқ сичқонлардан бирини берсангиз, — деди.

Эҳтиёткор одам

ҚАБУЛДА ўтирган охириги киши директор ҳузурига киргач, бошлиқ гап бошлади:

— Менга бирон ишни таваккалга қилмайдиган, ўзининг ҳаёти-

ни хавф остига қўймайдиган хизматчи керак!

— Жаноб директор, мен ҳеч ҳам ундай ишлар билан шуғулланмаيمان! — деди ҳалиги киши.

— Жўда яхши! Бундан ташқари мен ишга қабул қиладиган хизматчи бирон масалани ҳал қилиш-

да жўда эҳтиёткор бўлиши керак! — деди директор.

— Эҳтиёткорлик ҳаётим мазмунини, жаноб директор!

— Ҳаммаси жойида! Бундан ташқари менинг корхонамда ишлайдиган хизматчи тадқиқотларни ёқтирмаслиги шарт! — сўзидан давом этди директор.

— Менинг тадқиқотларга тоқатим йўқ, жаноб директор.

Бу сўзни эшитиб директор ўрнидан туриб кетди.

— Хўллас, сиз мен қидирган одам экансиз!

— Худди шундай! — кулим-сиради қабулдаги киши. — Умуман олганда тадқиқотларнинг нима кераги бор, фойдасиз нарсаси, одам ўз ҳаётини хавф остига қўйишдан бошқа нарсаси эмас! Мен эса жўда эҳтиёткор одамман!

Аммо, фақат биласизми...

— Нима фақат? — ҳайрон бўлиб сўради директор.

— Эҳтиёткорлик ҳаётим мазмунини бўлганлиги тўғрисида, агар ишласам, иш ҳақимни олдидан олиб қўйишга одатланганман. Биласизми, жаноб директор, бу ҳам эҳтиёт шарт! — табассум ила жаноб берди қабулдаги киши.

Немисчадан **Шуҳратқон ИМЯМИНОВА** таржимаси.

Муҳаррир

Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖКОРАТ ЖАБАРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

13—23 МАЙ КҮНЛАРИ СОАТ 14.00 ВА 17.00 ДА

Табиатда қувват-аҳборот алмашуви муаммолари бўйича ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА «ХИСЛАТ» МАРКАЗИ Республикада хизмат кўрсатган экстраенс-рухий таъсир этувчи

НЕЪМАТЖОН МАМАТОВ
АНАТОЛИЙ КАШИРОВСКИЙ услублари асосида
ШИФОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Инсон олий нерв системасининг кўплаб функционал касалликлари биоток ва гипнознинг сеҳрли таъсири остида даволаш мумкин: шол, соқовлик, дуқудланиш, эшити олмаслик, кўрлик, ҳар хил невротик ҳолатлар, семирин, озин кетиш, асаб бузилиши, юрак сиқилиши, жинсий заифликлари, бифарзандлик, буйрак-тош, псевдоревматизм, астма, қанд диабет, полиартрит, ошқозон яраси, псориаз, экзема, баданда туз тўпланиши ва юрак-томир касалликларида инсон руҳий психологияни ёрдам муҳтождир.

«ИХЛОС-ХАЛОС» ДЕТАН ХАЛИМИЗ.

Шуанда функционал касалликлари 5—6 сеансда даволашга ҳаракат қилинади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 19.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг
М. УЙҒУР НОМИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ
ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ ҚОШИДАГИ
РЕСПУБЛИКА УРТА МАХСУС САНЪАТ
МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МУСИҚА ЕКИ ТАСВИРИЙ
САНЪАТГА АЛОҲИДА ҚОВИЛИЯТИ БУЛГАН ЕТТИ
ЕШЛИ ВОЛАЛАРИНИ

1991—1992 ўқув йили учун
БИРИНЧИ СИНОЛАРГА
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСВОБЛАРИ (рубоб, дутор, гижжак, доира, чанг) БУЎЛИМИГА умумтаълим мактабларининг бешинчи синфига ўтган ўн икки ёшли болалар қабул қилинади.

МУСИҚА (фортепьяно, скрипка, альт, виолончель) БУЎЛИМИГА тегишли синф ҳажмида музика таъйиғарлигига эга бўлган болалар учун 2—9 синфларга қўшимча қабул эълон қилинади.

АРИЗЛАР 1991 йилнинг 5 МАЙИДАН 25 МАЙИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 3 ИЮНДА ВОШЛАНАДИ.

Қўйидаги ҳужжатлар талаб этилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (нусахаси), ота-онанинг иш жойидан 1990 йилдаги маошлари ойма-ой кўрсатилган маълумотнома. Боланинг саломатлиги тўғрисида район руҳшўнос-неврологнинг маълумотномаси.

Мактаб-интернат манзили: 700152, Тошкент шаҳри, А. Иқомов району, В-22 мавзеси, 1 «а» уй (2, 13, 33, 41, 50, 75, 77, 78, 97-автобуслар; 12, 13-троллейбусларнинг «Подмосковная» автостанцияси) бекати. Телефонлар: 74-92-21, 74-96-45.

«ТАШЭКС» БИРЛАШМАСИ
МАЛАКАЛИ ИШЧИ ҚАДРЛАР ТАЙЁРЛОВЧИ
17-УРТА ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қўйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-СИНФ ҲАЖМИДА (Ўқини мўддати 3 йил):
кент профилдаги станокчи, соғлиқ программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, токар, электргаз пайвандчи, кўприкли қурилмаларнинг машинисти, механик-йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонтни слесари.

11-СИНФ ҲАЖМИДА (Ўқини мўддати 1 йил):
кент профилдаги станокчи, электргаз пайвандчи, ремонт ишлари слесари, йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонтни слесари.

9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга бепул қўчаллик ва ишчи қийимлари ва иссиқ оқат. 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар оса 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА ИШ ҲАҚИНИНГ 50 ФОЙЗИ ТўЛАНАДИ.

Махсус гуруҳа ўқувчилари практикасини ва кейинчалик армия хизматини Ўзбекистонда, ТуркВО қўмондонлигининг авторемонт корхона ва ҳарбий қисмларида утайдилар.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчилар (5%) шартномага асосан Тошкент автомобил йўллари институтига конкурсиз кириб ўқишлари мумкин.

Ўқини даврида ўқувчиларга ДОСААФнинг автомобиль курсларига йўллама берилади ва автомобиль транспортни «С» категорияли ҳайдончилик гувоҳнома олидилар.

Билим юртида вокал-чолгу ансамбли ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқув кабинетлари видеомагнитофон қурилмалари ва бошқа замонавий талаб асосида жиҳозланган қурилмаларга эга.

Ўқини кирини учун қўйидаги ҳужжатларини топшириш керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт еки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, саломатлиги ҳақида справка, яшаш жойидан справка, 6 донга фотосурат (3х4).

Манзилгоҳининг: Тошкент шаҳри, Қўйишче району, Содинқов кўчаси, 6-йў. (4, 5, 24-троллейбусларнинг «17-йил юрти»: 3, 22, 23, 29-трамвайлар, 8-автобуснинг «Старт» стадиони бекатлари). Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09.

ХўРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ!

СИЗЛАРГА

БАЙРАМ КҮНЛАРИ САВДО ХИЗМАТИ

КўРСАТИШГА ТАЙЕРМИЗ!

ҚўЛЧАЛАР ВА ВАТРУШКАЛАРНИ,

ЎРАМАЛАРНИ ВА БОШҚА ҲАР ХИЛ

ПИШИРҚЛАРНИ

СИЗ

29 ВА 30 АПРЕЛЬ КҮНЛАРИ

шаҳарнинг барча марказий катта кўчаларида ва турар жой даҳаларида ишлайдиган

БУФЕТЛАРДАН

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ШУ ЕРЛАРНИНГ ЎЗИДА ШАРБАТЛАР ВА

ФИРМАЛИ ИЧИМЛИКЛАР САВДОСИ

ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Шаҳарнинг қўли ширин пазандалари ва қандолатчилари байрам дастурхонингиз учун ҳар хил тотли таомларни ва ширинликларни, шунингдек турли масаллиқларни тайёрлаб беришади. Уларни Сиз

30 АПРЕЛЬ КҮНИ

АНЪАНАВИЙ ШАҲАР

САВДО-КўРГАЗМАСИДАН

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

САВДО-КўРГАЗМАСИ НАВОИЙ НОМИ-

ДАГИ ТЕАТР ОЛДИДА СОАТ 12 ДАН ИШ

БОШЛАЙДИ. ШУ ЕРНИНГ ЎЗИДА СИЗ-

ЛАРГА ҲАР ХИЛ МИЛЛИЙ ЎЗБЕК ПИ-

ШИРИҚЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛИШАДИ.

1 ВА 9 МАЙ — БАЙРАМ КҮНЛАРИ

Анҳор бўйлаб, Гагарин номидаги богда — оммавий сайил жойларида, чиройли безатилган кўча дўконлар, чойхоналар, буфетлар ишлайди.

Шу ерларда Сиз мазаси оғзингизда қоладиган паловни, миллий обиноларни ва ширинликларни, шарбатларни, фирмали ичимликларни тотиб қўришингиз, бир пиеда хушбўй чой ичиб, баҳаво айвонидан, тўқин дастурхон атрофида ҳордиқ чиқаришингиз мумкин.

Кичкинтой тошкентликлар учун шу ерларда «митти» пирожниклар, кесилган торторлар, пирожки ва булочкалар савдоси ташкил этилади.

К. Марк кўчасидаги чойхона ва қаҳвахоналар ҳам Сизларни тотли палов, хушбўй чой, миллий ширинликлар, иссиқ нонлар билан кутиб олади.

СИЗЛАРНИ КҮТАМИЗ, ДўСТЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОҚҶИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Муассислар: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар кўмитаси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريети нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700090, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-13.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунни ўзбек тилида чиқади.

85.207 нусахда чоп этилади. Индекс 64690. Ўзуртма 5200. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

ХўРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ!

СИЗЛАРНИ ЖУМҲУРИЯТ

ВИЛОЯТЛАРИНИНГ ХўЖАЛИКЛАРИ

ИШТИРОКИДАГИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР БАЙРАМОЛДИ

МЕВА-САБЗАВОТ ЕЙМА САВДОСИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

ЕЙМА САВДО

29 — 30 АПРЕЛЬ ВА 7 — 8 МАЙ

КҮНЛАРИ СОАТ 9 ДАН 19 ГАЧА

Коммунистик кўчасида, Держинский номи

майдонда ҳамда

ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГОҲЛАРДА ТАШКИЛ

ЭТИЛАДИ:

Ленин район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати — НОРҲУЖАЕВ кўчаси — СА-МАРҚАНД ВИЛОЯТИ;

Акмал Иқомов район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати — ШАЙХЗОДА кўча-си — АНДИЖОН ВИЛОЯТИ;

Киров район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати — ДЗЕРЖИНСКИЙ номи майдон — ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ;

Куйбишев район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати — М. ГОРЬКИЙ шох кўча-си («Саёҳат» меҳмонхонаси) — ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ;

Октябрь район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати — ЭСКИ ЖУВА БОЗОРИ — СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ;

Собир Раҳимов район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати — Қорақаминиш 1/2 бо-зори — СУРҲОНДАРЕ ВИЛОЯТИ;

Сергели район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати — СЕРГЕЛИ — 3 савдо мар-кази яқинида — ҚАШҚАДАРЕ ВИЛОЯТИ;

Фрунзе район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати — ТУҚИМАЧИЛАР САРОИИ — БУХОРО ВИЛОЯТИ;

Ҳамза район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати — «ГУЛБОҒ» БОЗОРИ — НАМАНГАН ВИЛОЯТИ;

Чилонзор район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати — «ШУҲРАТ» дўкони қар-шисида — ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ.

АНА ШУ ЕРЛАРДАН СИЗ ҚАРТОШКА, ҚАРАМ, ПИЕЗ, САРИМСОҚИЕЗ, БОД-РИНГ, ПАМИЛДОР, РЕДИСКА, ЛАВЛА-ГИ, ҚУКАТЛАРНИ, ШУНИНГДЕК КОНСЕР-ВАЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ

ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

Сизларга қўлайлик яратиш учун саноат кор-хоналари яқинида ва турар жой даҳаларида жойлашган катта дўконларнинг иш вақти 29 — 30 апрель ва 7 — 8 май кунлари соат 22 га қадар узайтирилади.

1, 2, 9 май кунлари барча савдо тармоқлари одатдаги тартибда ишлайди.